Ушбу сонда:

2 КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОЗОР ШАРОИТИДА

3 НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД манбаига чек қўйилди

8 МАХСУС МАКТАБДА «Кичик қўғирчоқ театри»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 23 декабр, жума № 203-204 (2045)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АЁЛЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

Косон туманида халқ таълими ходимлари ўртасида ўтказилган спартакиада "Аёллари соғлом юрт қудратли бўлур" деб номланди.

Ушбу спартакиадада 5 йўналиш бўйича 350 нафардан ортиқ устозлар иштирок этдилар. 92-мактабдан Гулчинор Алладўстова, 31-мактабдан Манзура Ёрқулова, 71-мактабдан Насиба Донаева спортнинг шашка тури бўйича ғалаба қозонган бўлса, Ибн Сино номли мактабдан Азиза Холмўминова, Мурод Бобоев номли мактабдан Шаходат Жаббарова шоҳмот бўйича зафар қучишди.

Стол тенниси, волейбол турлари бўйича баҳслар ҳам ғоят қизиқарли кечди.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ш.СУЛТОНОВ,
"Ишонч" мухбири

2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ХАЙРЛИ ИШНИНГ САВОБИ

Олиҳиммат инсонларнинг кўнгли ўксикларни чин юракдан қўллаб-қувватлаётганликлари дилларни мунаввар этиб, руҳий бардамлик, аъло кайфият бағишлайди. Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаси Яккабоғдаги «Саховат» уйига 4 миллион 252 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 2 миллион 240 минг сўмлик кийим-кечаклар тақдим этганлиги, айни пайтда 35 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошираётганлиги ҳар жиҳатдан ибратли. Яккабоғлик тадбиркор Тўлқин Тиловов ака-укалари билан бирлашиб, «Оқ олтин» пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли профилакторийни таъмирлаб, 50 кишилик даволаш маскани бунёд этганлиги ва унда ногиронлар имтиёзли даволанаётганлиги таҳсинга лойиқ.

Вилоят «Матлубот» акционерлик компанияси 3-Меҳрибонлик уйига қарийб 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Виктор Ашуров раислик қилаётган Қарши «Буюм бозори» тадбиркорларидан М.Ҳайитова, Б.Шокирова, Г.Камолова кабилар 33-махсус мактабга 475 минг сўмлик кийим-кечаклар олиб беришди. Бундан ташқари, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисоб рақамига 2 миллион сўмлик хайрия маблағи ўтказдилар. Саноат коллежи педагогик ва талабалар жамоаси 50 нафар ногиронга катта дошқозонда ош дамлаб, совға-салом топширдилар.

Ижтимоий муҳофаза, аҳолининг эҳтиёжманд қисми яшаш тарзи ва саломатлигидан хабардор бўлиш жамиятимизда ҳамжиҳатликни, меҳр-оқибатни, давлатимизнинг халққа бўлган беқиёс меҳрибонлигини ифодалайди. Чироқчи туманида кам даромадли оилалардан 583 нафари ҳомийларга биркитиб қўйилган. Яқинда ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Холида Ўтаева бошлиқ ижтимоий-патронаж гуруҳи аъзолари «Пахтакор» хўжалигининг Жумановлар оиласига ташриф буюриб, биринчи гуруҳ ногирони Дилдора Жумановага ногиронлик аравачаси ва ҳокимлик совғасини топширди. Ногиронга шифокорлар томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. «Соҳибкор» хўжалигидан Кўпайсин Худойназарова, Чаппарик қишлоғидан Хусан Саидов, «Қалқама» ширкат хўжалигидан Холбиби Қўзибоева, А.Ҳамроев номли маҳалладан Умид Аҳмедов кабилар ногиронлик аравачасини олдилар. Ёлғиз кексалар, тўшакда ётиб қолган беморлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг оилаларига бориб, ҳолидан хабар олинди. 66 нафар етим болага қишки кийим-кечак тарқатилди.

Нишон туманида ёрдамга муҳтож кишилардан 450 нафари ҳокимлик қарори билан ҳомийларга бириктилиб, корхона, ташкилот, муассаса, фермер хўжаликлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан доимо қўллаб-қувватланаяпти.

Қарши бош канали ва насос станциялари бошқармаси маъмурияти Таллимаржон шаҳридаги биринчи гуруҳ ногиронлари Бахтиёр Примов, Галина Сарибекян, Юсуф Бадаловлар ҳолидан ҳамиша хабар олиб туришади. Тумандаги «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги раиси Тўра Раҳмонов йигирмадан ортиқ кам таъминланган оилани оталиққа олган.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. «Косондон» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси 5 нафар етим боланинг суннат тўйини ўтказиб, катта ҳиммат кўрсатди. Тумандаги «Болалар» жамғармаси раҳбари Розия Суяровани нинг ташаббуси билан 48 нафар чин етим, 36 нафар кам таъминланган оила болаларининг ҳар бирига 45-50 минг сўмлик кийим-кечак берилди. Туман бўйича эҳтиёжманд болаларга 1 миллион 80 минг сўмлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳадя қилинди.

Ўзининг оташнафас шеърлари билан мухлислар эътиборини тортган «Саховат» уйида яшовчи Қудрат Турсунов, қамашилик биринчи гуруҳ ногирони Дилрабо Бобоқулованинг китоблари Ҳомийлар ёрдамида нашр этилди. Чироқчилик ногирон қиз Гўзал Раҳимқулова «Мафтункор ранглар дунёси» расмлар кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади ва рангли телевизор, 100 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Миришкор туманининг Чандир қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳамро Каромотовнинг даволаниши учун вилоят ногиронлар жамияти ҳисобидан 250 минг сўм маблағ ажратилди.

Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма бирлашмаси воҳада умргузаронлик қилаётган, ёши 100 дан ошган 500 нафар қариялар нинг аҳволидан бохабар бўлиб туришибди. Бузор туманида яшовчи, уч аср билан юзлашган Ражаб бобо Абдиев ёшларни тарбиялашдаги самарали хизмати учун «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Яккабоғлик Қарол Маҳмудов ўз нафақасидан 100 минг сўмини туман марказий шифохонасининг «Тез тиббий ёрдам» бўлимини жиҳозлашга тортиқ қилди.

Меҳр-мурувват деганда фақат ногиронларга, қариларга ёрдам кўрсатиш тушунилмайди. Балки, инсоннинг бир-бирига ширин муомаласи, бағрикенглиги, ўзаро меҳр-оқибати ҳам ҳис этилади. Вилоятдаги 1-ихтисослашган мактаб ўқитувчиси Н.Худойназарова халқаро IPEX ташкилотининг «Ўзбекистон мактабларида интернет» лойиҳаси бўйича қариялар ва болалар уйларида яшайдиган ногиронларга компьютер сабоқлари ва янги техникани ўргатмоқда.

Бултур ҳомийлар томонидан 7 та ҚВП қурилиб, 370 миллион сўм маблағ сарфланди. Тиббий муассасаларга 5 та «Дамас» русумли автомашина ажратилди. Қарши туманидаги Яхши Омонов номли хўжалик маблағидан Қовчин, Ширкент ва Тўрақул қишлоқларида янги ҚВПлар қурилди. Бундан уч йил муқаддам вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга 193,6 миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилган бўлса, бу рақам 2005 йилда 1 миллиард сўмликдан ошиб кетди.

12 мингдан ортиқ юридик мақомга эга деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, 20 мингдан ортиқ фуқаро иш билан таъминланди. «Бандлик» жамғармаси ҳисобидан 800 миллион сўм кредит ресурси ажратилди ва бунда асосий эътибор кам таъминланган оилаларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Пенсионер ва ногиронларни соғломлаштириш режасига асосан 2200 дан зиёд киши имтиёзли сиҳатгоҳ йўлланмалари билан таъминланди. Кўзи ожиз ногиронлардан 60 нафарига сунъий кўз гавҳари қўйилди. 200 нафарига ногиронлик аравачаси, кўплаб протез-ортопедия маҳсулотлари, эшитиш мосламалари, таянч ҳаракати воситалари тарқатилди. Вилоятда 729 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар белгиланган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланаяпти. Уларга 50 миллион сўмлик 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари бепул етказилди. Қариялар 172 нафар ижтимоий ёрдам ходимлари хизматидан фойдаланишаяпти. Боқувчисини йўқотган оилалардан 170 тасининг уй-жойларини таъмирлаш учун 9 миллион сўм маблағ сарфланди.

Г.БАРАТОВА,
тадбиркор

Намангандa яқинда ташкил этилган «Меҳрибон» фахрийлар маркази аҳолининг кам таъминланган қатламлари, айниқса ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш каби олижаноб мақсадни ўз олдига қўйган. Давлатимиз раҳбари томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган янги йилда марказ ўз фаолиятини кучайтиришни мўлжалламоқда.

Мазкур жамоат ташкилоти автомобиль транспорти фахрийси Аҳмаджон Назаров ташаббуси билан ташкил этилган. Марказ 30 кишини, асосан меҳнат фахрийлари ва нафақахўрларни бирлаштирган.

ФАХРИЙЛАР МАРКАЗИ

- «Ҳар куни меҳр-шафқат кўрсатинг» - бу марказимиз шиори, -дейди Аҳмаджон ака. - Бунда бизга Попдаги 12-АТП, «Газтаъминот» виloят бирлашмаси, «Намангансувқурилиш» акциядорлик жамияти, «Аснам-текстиль» ва «Коском» қўшма корхоналари жамоалари ҳомийлик кўмагини бермоқда. Улар ёрдамида эски автобусни сотиб олиб, таъмирдан чиқардик. Зарур бўлганда автобус ёлғиз, кам таъминланган кишилар ва уларнинг оилаларига бепул хизмат кўрсатади. Тез орада юк автомашиналари харид қилишни кўзлаяпмиз. Улардан аҳолига транспорт хизматлари кўрсатишда фойдаланамиз. Бундан тушган маблағлар хайрли ишларни кўпроқ қилиш имконини беради.



Сўнгги йилларда республикамизда хориж инвестицияси билан фаолият юритувчи қўшма корхоналар салмоғи ортиб бормоқда. Замонавий технологияларнинг киритилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот сифати яхшиланиб бормоқда. Жумладан, Навоий вилоятида ҳам бу борада чет эллик ҳамкорлар билан ишлаб самарали натижалар қўлга киритилмоқда. Кармана туманида пиллани қайта ишлашга ихтисослашган «Навоий-Силк» Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорлигидаги қўшма корхона иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Айни кунларда корхона ўз маҳсулотини экспорт қилишни йўлга қўйди. Қисқа фурсатда тайёрланган 2,5 тонна ип-калава шу кунларда Дубай шаҳрига жўнатилди.

Суратда: ишчи Қизлархон Азимова.

С.ЗУФАРОВ
(ЎзА) олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

21-22 декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Муҳокамага учинчи ўқишда киритилган «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаева маъруза билан сўзга чиқди. Савол-жавоблар ва сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси ушбу Қонунни қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аҳолини қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги масала юзасидан ахбороти эшитилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов депутатлар олдида сўзга чиқди. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари, «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси, шунингдек Молия вазирлиги раҳбарлари депутатларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Муҳокама чоғида Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг аҳолисини қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш муҳимлиги таъкидланди, мазкур соҳадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифлар киритилди.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ҚАЙТА ОБУНА РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 26 октябр сонида "Бориб турган масъулиятсизлик" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда Жиззах вилоятидаги "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамиятдаги айрим мутасаддиларнинг бепарволиги туфайли газетхонларга матбуот нашрларини етказиб бериш сусайтириб юборилгани танқид остига олинганди.

Ушбу мақола юзасидан жавоб хати олинди. Унда, жумладан шундай дейилган:

"Ишонч" газетасининг 2005 йил 174-сонида чоп этилган "Бориб турган масъулиятсизлик" сарлавҳали мақола вилоят ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

2005 йил учун "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамият орқали "Ишонч" газетасига 227 киши обуна бўлган. Уларга матбуот нашрларини етказиб бериш вилоят "Матбуот тарқатувчи" компанияси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилган.

2005 йил сентябр-октябр ойларида вилоят "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамият директори вазифасини Р.Аширматов бажариб турган. Ушбу раҳбарда ходимларга нисбатан талабчанлик етишмаганлиги, уларнинг фаолияти устидан етарли даражада назорат олиб борилмаганлиги сабабли октябр ойига республика "Матбуот тарқатувчи" компаниясига "Ишонч" газетаси учун белгиланган муддатда буюртма берилмаган. Натижада 60 нафар обуначи "Ишонч" газетасини олмаган. Ҳақли эътирозга сабаб бўлган мазкур ҳолат бўйича жамият обуна бўлими бошлиғи Дилрабо Жўрақуловага хайфсан эълон қилинди ҳамда 60 нафар обуначиларга "Ишонч" газетаси учун 2006 йил январ ойига жамият маблағи ҳисобидан қайта обуна расмийлаштирилди.

Матбуот нашрларини 2006 йилда обуначиларга белгиланган муддатларда етказиб бериш масаласи қатъий назоратга олинди.

К.ЖЎРАЕВ,
Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари

«МАРЖОН СУВИ» ШИФО

"Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурига мувофиқ Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида қайта реконструкция қилинган «Маржон суви» сиҳатгоҳи овқат ҳазм қилиш, буйрак, ҳаракат ва таянч аъзолари хасталикларини даволашга ихтисослашган.

Ғаллаорол тумани Лалмикор қишлоғидаги маъданли сув манбаида барпо этилган ушбу сиҳатгоҳнинг биринчи корпуси шу йил Наврўз байрами арафасида қуриб битказилган эди. Уч қаватли 50 ўринли замонавий бинода аҳоли саломатлигини тиклаш учун барча қулайликлар яратилган. Биринчи ва иккинчи қаватларда ётоқхона ва муолажа хоналари, учинчи қаватда эса кутубхона ва ўқув зали жойлашган.

Йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 1000 нафардан зиёд уруш ва меҳнат фахрийси «Маржон суви»да даволаниб қайтди.

- Биз турмуш ўртоғим билан ўн йилдан буён ушбу сиҳатгоҳда даволанамиз, - дейди ғаллаороллик меҳнат фахрийси Норбой Нарзуллаев. - Аммо бу гал келганимда санаторияни таниёлмай қолдим.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Жиззах вилоят ҳокимлиги маблағи ҳисобига қурилаётган муассасанинг иккинчи корпуси битказилиши билан бир сменада 110 киши даволанади. Сиҳатгоҳнинг иккинчи корпусида 160 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, айни кунларда бош пудратчи корхона - «Жиззахқурилишшаҳ» фирмаси сўнгги ишларни ниҳоясига етказмоқда.

(ЎзА)

ХОМАШЁ ШУ ЕРДА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

Конимех туманидаги «Конимеҳобод» полипропилин ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти ҳузурида макарон маҳсулотлари тайёрланадиган мини завод иш бошлади.

Заводнинг дастлабки 10 тоннадан ортиқ макарон ва нон маҳсулотлари Қизилқум чорвадорларига етказиб берилди. Бу ерда ҳар ойда 20 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ушбу корхона ишга тушгач, йигирмата янги иш ўрни яратилди. Келгуси йилдан ишчи ўринларини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

* * *

Навбаҳор туманида жорий йилда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Қабул пунктларига қарийб 30 минг тонна пахта топширилиб, шартнома режалари ортиғи билан бажарилди.

Айниқса, Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида янги пахта тозалаш заводининг қуриб битказилиши етиштирилган пахтани шу ернинг ўзида қайта ишлаш имконини берди. Илк бор қабул қилинган пахта замонавий ускуналар ёрдамида чанг-тўзонсиз, жаҳон талабларига мос ҳолда қайта ишланмоқда. Заводда кунига 150-170 тоннагача пахта чигитдан ажратиляпти.

Ҳозиргача 10 минг тонна пахта қайта ишланиб, шундан 3 минг тоннадан ортиқ сифатли тола хорижга экспорт қилинди.

Матонатли кишилар

ҚИЗИЛҚУМ ЯЙЛОВЛАРИДА

Қизилқумда етиштирилган қоракўл терилар ўзининг майинлиги, сержилолиги билан дунёга машҳур. Вазирлар Маҳкамасининг "Қоракўлчиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги"ги қароридан сўнг соҳани жадал ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.

Қоракўли қўйларнинг элита фондини сақлаб қолиш билан бирга чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш асосий вазифамиз ҳисобланади. Мулк шакли ўзгариши билан ҳисоб-китоб қилишнинг чек усулига ўтилди. Ички шартномаларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинди. Яйловлар маҳсулдорлиги ошди.

Бирлашма тасарруфида 5 миллион 394 минг 744 гектар ер майдони бўлиб, унинг 4 миллион 919 минг 346 гектарини яйловлар ташкил этади. Нурота, Томди, Конимех, Учқудуқ, Қизилтепа ва бошқа туманлардаги 33 та ширкат хўжаликларида 1 миллион 200 мингдан ортиқ қўй-қўзи, 21 минг бош эчки, 7 мингдан зиёд йилқи, 4700 бош туя боқилмоқда. Чорвадорлар масъулиятли мавсум қишловга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда келдилар. Вилоят марказидан 400 километр олисда туя ўркачли қум барханлари орасида жойлашган Томди туманидаги "Бирлик" ширкат хўжалиги Қозоғистон Республикасининг Қизилўрда вилояти билан чегарадош. Хўжаликнинг 465 минг гектарлик яйловларида 43 мингдан зиёд қўй-қўзи, 236 бош йилқи, 237 бош туя боқилмоқда.

Йилни катта даромад билан якунлаган яйлов баҳодирлари Танибоев, Асад Рустамов сингари тажрибали қўйчивонларнинг фидоий меҳнати билан чорвагачорва қўшилмоқда.

– Илгарилари етиштирилган маҳсулотни қаерга топширишимизни билмай овора бўлар эдик, - дейди хўжалик бошқарув кенгаши раиси Ж.Юсупов. – Тадбиркор Соғиндиқ Муҳаммаджонов ташаббуси билан "Чигир" кичик корхонасининг ташкил топиши юмушимизни осон қилди.

Кичик корхонада эчки, от, туя, қорамол ва қўй терилари қайта ишланиб, қалпоқ, телпак, кигиз, жун ипи ва пўстин каби 10 турдаги маҳсулотлар тайёрланаяпти. Йигирмага яқин овул қизлари ишлаётган жамоа истеъмолчиларга 20 миллион сўмликдан зиёд харидорбоп маҳсулот етказиб берди. "Нурота" наслчилик ширкат хўжалиги Россия ишбилармонларига 3200 дона қоракўл тери жўнатди. Чўл одамлари танти ва содда, мард ва жасур. Конимех туманидаги "Сарибел" наслчилик хўжалигининг 159 минг гектарлик яйловларида 88 минг бош қўй-қўзи, қўплаб йилқи ва туялар боқилаяпти. Ҳалол меҳнати орқасидан обрў топган Жалғасбой Тоирбеков шартнома режаларини ошириб бажарганлиги учун юздан ортиқ қўзини мукофотга олди. Хўжалик бўйича чўпон-чўлиқларга 5 минг бош қўзи бўлиб берилди.



Иқтисодий самарадорлик натижасини бермоқда. "Томди" наслчилик заводида қоракўл қўйлар сони икки баробарга, "Сарибел" ширкат хўжалигида 50 мингдан 70 минг бошга ўсди. Конимехдаги Абай номли, "Қизилқум", "Конимех", Томдидаги "Аёққудуқ", "Жанашаруа", "Керегетау", Нуротадаги "Нурота", "Қизилча", "Ғазғон", Файзулла Хўжаев номли, Учқудуқдаги "Жузқудуқ" хўжаликларида ширкат аъзоларига 20-25 миллион сўм дивидент тарқатилди.

"Сарибел" ширкат хўжалигидан С.Кукенов, Н.Жунисов, "Конимех" ширкатидан А.Қошқарбеков, А.Қошқинбаев, "Қизилқум"дан Қ.Султонов, М.Исмоилов, "Томди" хўжалигидан С.Утепбоев, А.Жонаев, "Керегетау" ширкатидан Н.Сарсенов, Н.Қодирбеков, Ж.Балеманов номли хўжаликдан Е.Абдиев, Н.Ойжариқов каби бош пудратчиларнинг ойлик маоши 150-160 минг сўмдан ошаяпти.

Қиш мавсумида чўпон оилалари турар-жойлари, мактаблар, фельдшер-акушерлик пунктлари таъмирдан чиқарилди. Олис яйловларда яшаётганлар ун, гуруч, шакар, ўсимлик мойи ва бошқа эҳтиёжбоп озиқ-овқат маҳсулотлари, иссиқ кийимлар билан таъминланди. Тошкентдан келган "Мурувват" поезди шифокорлари чорвадорларни тиббий кўрикдан ўтказиб, дори-дармон тарқатди. Қудуқ ва скважиналар, ичимлик суви қувурлари қайтадан таъмирланди. Чорва молларига сув ташиш учун транспорт воситалари ва отарларга қўшимча ишчи кучлари биркитилди. 100 минг тоннадан ортиқ дағал хашак, етарли миқдорда аралаш ем тайёрланди ва қишлоқ жойларига ташиб келтирилди.

Қаланбой оға тонг ёришмасдан уйғонади. Ой ёруғида чорва молларини яйловга ҳайдайди. "Аёққудуқ" ширкат хўжалигининг тажрибали чўпони бола-чақалари билан ҳамкору ҳамнафас бўлиб, мавсумни чиқимсиз ўтказиш учун тиним билмайди.

Қум барханлари билан қопланган далаю даштларда ўт ҳар қачонгидан ҳам кўп бўлди. Лекин қиров қалин тушган пайтларда қўйларни яйловда боқиш яхши натижа бермайди. Шу боис ҳар бир юмушни ўз вақтида меъёрида бажариш талаб этилади.

И.ТИЛЛАЕВ,
«Ишонч мухбири»

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Курултойи қарорларини амалга ошираётган агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма ташкилотлари асосий эътиборни фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалашга қаратганлар.

Туман кенгаши тизимига қарашли фермер хўжаликлари ва ташкилотларида 20 минг 580 нафар касаба уюшма аъзолари иш олиб бораяпти. Жойлардаги 35 та бошланғич ва 172 та цех ташкилотлари, 118 та касаба уюшма гуруҳлари «Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ» тамойили асосида иш тутиб, ғамхўрликни кучайтирмоқда. Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида мавжуд 15 та ширкатлар деҳқон-фермер хўжаликларига айлантирилди.

Қаерда ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилиб, меҳнаткашларга қулай шарт-шароитлар яратилса, ўша жойда яхши натижаларга эришиш мумкин. Айни пайтда касаба уюшмалари фуқароларнинг энг яқин ҳамкори ва ишончли ҳимоячисига айланган.

Меҳнаткашлар манфаатларини таъминлашда жамоа шартномаларининг аҳамияти беқиёс. Мавжуд 1600 дан ортиқ фермер хўжаликларидан 1500 тасида қабул қилинган ана шундай ҳужжатларда ходимларга берилаётган ижтимоий имтиёз ва кафолатлар кўлами кенгайтирилиб, Меҳнат Кодекси талабларига мувофиқ тартибга солинаяпти ва уларнинг ижросига жиддий аҳамият берилаяпти.

Бугун иқтисодиётда хусусий мулкнинг миқёси ва улуши ошиб бормоқда. Унинг бошқа шакллари қатори фермер хўжаликларида ҳам муносабатлар Меҳнат Кодексида белгиланган меъёрларга мувофиқ тартибга солиниши керак. Шунинг учун ҳам иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида «Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини шакллантириш, ходимлар ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштириш, солиқлар тўлови, кредитлаш, ҳамда молиявий интизомни мустаҳкамлашнинг долзарб муаммолари» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ижтимоий шерикчилик тамойили асосида иш юритаётган касаба уюшмалари жамоаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг бажарилишига кўмаклашиб, моддий манфаатдорликни яхшилаш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш йўлидан бормоқда. Ғиштли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Шоҳли бобо ўғли Шерали» фермер хўжалигида ташкил этилган касаба уюшма ташкилотининг саъй-ҳаракати туфайли ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва манфаатларини ҳимоялаш биринчи ўринга қўйилган. 72 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган қишлоқ мулкдорлари 50 гектар пахта, 20 гектар ғалладан мўл ҳосил етиштириб катта даромад олишди. Келган фойдадан 12 нафар ишловчиларнинг ҳар бирига видеоиккилик олиб берилди. Ҳар ойда 20 килограммдан ўсимлик мойи бепул тарқатилмоқда. Байрамлар ва шодиёналарда ходимларга моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Ойлик маошлар вақтида тарқатилаяпти.

Туман бўйича 26 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилиб, 7 миллиард сўм даромад олинди. Бу маблағ қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, ичимлик суви, табиий газ келтириш, врачлик масканлари, мактаблар қурилишига сарфланаяпти. Юртбошимиз томонидан 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши касаба уюшмалари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Касабақўмлар томонидан 44 та кам таъминланган оилага 305 минг, боқувчисини йўқотган 16 кишига 120 минг сўм моддий ёрдам берилди. Ўн нафар ёлғиз қарияга 100 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Гагарин номли фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Мамат Раҳмонқуловга «Қашқадарё соҳили» санаторийсига бепул йўлланма берилди.

Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган спартакиада ўнлаб иқтидорли ёшларни аниқлаш имконини яратди. Хўжаликлар ва маҳаллаларда янги мажмуалар қуриб битказилиб, спорт анжомлари тарқатилди. Инсон саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш доимий эътиборда. Биргина туман машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси 10 нафар кишига Қизилтепа физиотерапия шифо масканида даволаниши ва дам олиши учун текин йўлланма тарқатди. Кам таъминланган оилаларнинг 100 нафардан зиёд фарзандлари оромгоҳларда бепул йўлланмалар билан ўз соғлиқларини тикладилар. Ўнлаб аъзоларимизга мамлакатимизнинг санаторий ва профилакторийларида даволанишлари учун имконият яратилди.

Қуйи ташкилотлар ёш, ташкилотчи кишилар қалбига йўл топа оладиган қатъиятли кадрлар билан мустаҳкамланганлиги касаба уюшмалар нуфузини оширди. Наврўз, Гагарин, Чим, Лапас Муҳаммадиев номли фермер хўжаликлари, машина-трактор парки, дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси, Чимқўрғон сувдан фойдаланиш бошқармаси касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга қаратилган ташкилотчиликларини янада кучайтирганлар.

Қишлоқ хўжаликларидаги ислоҳотларга мутаносиб равишда касаба уюшмалари ҳам ўз фаолиятларини ислоҳ қила бориб, одамларнинг талаб ва эҳтиёжлари тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатгандагина ишда ўзгариш бўлиши мумкин.

Н.ҚОСИМОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Қамаши туман кенгаши раиси

Касаба уюшмалари бозор шароитида

Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари

Вазирлар Маҳкамасининг деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Бешариқ туманидаги ширкат хўжаликларидан 6 тасида мулк шакли ўзгарди.

ФЕРМЕР БОЙИСА, КЎПГА НАФИ ТЕГАДИ

Орадан бир мунча вақт ўтди. Иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари кўзга ташлана бошлади. Республикамизнинг барча туманларида бўлганидек, Бешариқда ҳам бу соҳада бир талай ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Туман фермерлар уюшмаси 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, унга 661 та фермер бирлашган. 4487 гектарда буғдой, 6554 гектарда пахта етиштирилмоқда. 34 та чорвачилик фермер хўжаликларида 1457 бош қорамол, 1100 дан ортиқ қўй-қўзилар ва 65 та отлар мавжуд бўлиб, уларга 557 гектар ер майдони ажратилган.

Қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларнинг қўлланилаётганлиги, мавжуд имкониятлардан маромида фойдаланилаётганлиги ўз самарасини бераётир. Ўтган йилги кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, тумандаги фермерларнинг қарийб барчаси давлатга пахта ва буғдой топшириш режасини уддалашди. Бултур ҳар гектардан 41 центнердан дон етиштирилган бўлса, бу йил 51,7 центнердан ҳосил олиниб, 7412 тоннага етказилди.

Туман фермерлар уюшмаси раиси Юсуфжон Акбаровнинг таъкидлашича, айни кунларда «Қўқон ёғ-мой» акционерлик жамиятининг 5 та шахобчаси орқали фермер хўжаликларига режа асосида кунжара, шулха ва ёғ маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Бугунги кун фермери ҳар томонлама юксак малакали, ўз ҳақ-ҳуқуқини биладиган, ҳимоя қила оладиган деҳқон бўлиши зарур. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунга кўра ҳар бир фермер завод ёки ташкилотга бориб ўзаро шартнома тузмоқда.

Туманда илғор фермерлар кўпчиликни ташкил этади. Абдуқаҳҳор Деҳқонов раҳбарлик қилаётган «Бешариқ» фермер хўжалиги ана шулар сирасига киради. Тадбиркор далада ишловчилар моддий таъминотини яхшилаш учун интилмоқда. Бу йил буғдой ҳосилдорлиги гектар бошига 50 центнердан ошди. Пахта режаси ҳам 114,5 фоизга бажарилди. Соф фойда 9 миллион сўмдан ошди.

Фермер қишлоқдаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларга молиявий кўмак кўрсатиш ва аҳолига ёрдам беришни ўз бурчига айлантирган. «Бойчечак» болажонлар масканини таъмирланиб, «Навбаҳор» маҳалласи кўчалари асфальтланди, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби юмушлар амалга оширилди.

«Янги ҳаёт» фермер хўжалиги ер майдони 56,5 гектар бўлиб, бу йил пахта режаси 101 фоизга, буғдой етиштириш эса 117 фоизга бажарилди. Режадан ортиқ 12 тонна буғдой хўжалик аъзоларига тақсимланди.

– Дастлаб иш бошлаганимизда бир оз қийинчиликларга дуч келдик. Бироқ, машаққатларни меҳнат билан енгиб, ишларимизни йўлга тушириб олдик, - дейди хўжалик раҳбари Илҳомжон Охунов. – Ҳозирда 30 нафар киши шартнома асосида меҳнат қилади. Уларга яхши маош тайинланяпти. Ишчиларимиз қатъий ижтимоий муҳофазага олинган.

З.БОЛТАБОЕВ,
«Ишонч» мухбири



ҚИШЛОВ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

Олтиариқ туманида чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, туманнинг Охунбобоев номли ширкат хўжалигидаги наслчилик фермасида наслдор қорамоллар сони кўпайтирилиши бунга яққол мисолдир.

Айни дамда фермада 175 бош қорамол парваришланаяпти. Уларга озуқабоп экинлар берилиши эса маҳсулдорлигининг ошишига имкон яратмоқда. Мавжуд, соғин сигирлардан бир кунда 130 литр сут соғиб олинаяпти.

Ферма жамоаси бу йил қишловга пухта тараддуд кўрди. Негаки, мавсумнинг кўнгилдагидек ўтиши айнан уларнинг қай даражада ҳозирлигига боғлиқ. Шу мақсадда дағал хашак, сенаж, силос каби чорва озуқасини керагидан ортиқ тайёрлашди.

Таъкидлаш керакки, жамоанинг саъй-ҳаракати ўз самарасини бермоқда. Ўтган йилги мавсумда 36 бош бузоқ олинган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 42 бошга етказилди.

Суратларда: наслчилик фермасида.
М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар



ЗАНГОРИ ОЛОВ ТАФТИ

Янги йил арафасида Навоий вилоятининг Конимех туманидаги Шодибек, Тўқманғит, Навбаҳор туманидаги Қушқочди қишлоқлари аҳолиси табиий газдан бахраманд бўлди. Қисқа вақт ичида 120 та оилада «Зангори олов» ёна бошлади.

«Қонимехгаз» туман газлаштириш корхонаси ишчиларининг ғайрат-шижоати билан 3,5 километрлик масофага газ қувури тортилди. Айни пайтда газчилар тумандаги тўрт мингдан ортиқ хонадон, 70 та улгуржи истеъмолчига шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда.

ФИРМА ТАСАРРУФИДА

Каттақўрғон вилоятдаги иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга эга йирик шаҳарлардан бири. Бу ерда ўнлаб саноат ва қайта ишлаш корхоналари мавжуд.

Шулардан бири - Каттақўрғон қурилиш материаллари комбинати бир неча йил илгари иқтисодий таназзулга юз тутиб, деярли тўхтаб қолган эди. Ана шундай қийин шароитда корхонани Самарқанд шаҳридаги «Жаҳонжон» хусусий фирмаси ўз тасарруфига олди.

Корхона бир неча юз миллион сўм эвазига қайта оёққа турди. Айни пайтда бу ерда яна сифатли ва арзон пишиқ ғишт ишлаб чиқарила бошлади. Натижада ўнлаб ёшлар доимий иш билан таъминланди.

ҲАММАСИ ТАЛАБАЛАРГА

Гулистон давлат университетида талабаларнинг спорт билан шуғулланиши учун янада қулайлик яратиш мақсадида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Замон талабларига уйғун равишда барпо этилган мазкур мажмуа тўрт миллион сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди. Бу ерда ёшлар спортнинг волейбол, мини-футбол, кўл тўпи, эркин кураш сингари турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

(ЎзА)

ЛОҚАЙДЛИК – ҚАЛБ ФАЛАЖИ

Ҳаёт тасодифларга тўла. Ҳеч ким ўзига ёмонликни раво кўрмайди. Ҳох курувчи бўлсин, ҳох хайдовчи бўлсин ҳар қандай касб эгаси ишдан оила даврасига соғ-омон қайтишни истайди. Лекин фалокат оёқ остида, дейдилар. Гоҳо кутилмаганда фожеа билан тугайдиган ҳодисалар иштирокчисига айланиб қолиш ҳеч гап эмас.

— Жорий йил давомида вилоятдаги корхона ва ташкилотларда оқибати ўлим билан тугаган иккита ва ногиронлик билан якун топган 13 та бахтсиз ҳодиса юз берди. Буларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинганда, ходимларни техника хавфсизлигига оид ўқитиш, йўриқномалар билан яқиндан таништириш ишлари юзаки олиб борилганлиги ҳамда меҳнат шароитлари ва санитария-гигиена қоидаларига риоя этилмаслиги маълум бўлди, - дейди Бухоро вилоят давлат меҳнатни муҳофаза қилиш ва экспертизаси бўлим бошлиғи Б.Фаёзов. — Мисол учун, Қоровулбозор туманидаги «Бухоронефтгазпармалаш» ОАЖ ишчиси М.Ёқубов эътиборсизлик туфайли бахтсиз ҳодисага учради. Натижада ногирон бўлиб қолди. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун вилоятдаги 99 та корхона ва ташкилотда Меҳнат Қонунчилиги қоида ва меъёрлари қай тарзда бажарилиши ўрганилди ва 1217 та хато-камчиликлар аниқланди. Қонун талабларига риоя қилмаган 88 та мансабдор шахсга нисбатан 1 миллион 460 минг сўм жарима солинди. 44 та дастгоҳ, 18 та устахона иш фаолияти вақтинчалик тўхтатиб қўйилди.

Шунингдек, 35 та корхона-ташкилотда режа асосида иш ўринлари меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатдан ўтказилди. Бунинг асосий моҳияти ишчи-ходимларнинг соғлиғини сақлаш учун иш ўрнида санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган хавфсиз меҳнат шароити яратилишини аниқлаш каби ишлар ҳисобланади.

Вилоятдаги йирик корхоналардан ҳисобланган пахта тозалаш заводларида йил давомида бахтсиз ҳодисалар кузатилмади. Бунга иш ўринларига етарлича эътибор берилганлиги ҳамда масъул ходимларнинг мунтазам равишда ишчилар орасида бўлиб, техника хавфсизлиги бўйича ишларни тўғри ташкил қилганлиги сабаб бўлди. Шу мақсадда бу йил жамоа шартномасига кўра жами 484 миллион 472 минг сўм сарфланди. Масалан, Олот пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида меҳнат муҳофазаси тадбирларига ўтган йили 16 миллион 300 минг сўм сарфланган бўлса, бу йил 43 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди.

Хусусан, жойлардаги корхона раҳбари, муҳандис, техник ходимлар иштирокида ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш ва меҳнат муҳофазаси ишларини яхшилаш тўғрисида 25 та семинар-учрашувлар ўтказилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази масъул ходимлари билан биргаликда йил бошида белгиланган дастурий вазифалар ижросини таъминлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ю.ОЧИЛДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИБ

Андижон туманидаги саноат коллежида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бағишланган семинар ўтказилди.

Вилоят адлия бошқармасининг мутахассислари мамлакатимиз Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳақида, Олий Мажлис қошидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсман, унинг жойлардаги вакили фаолияти хусусида маълумот берди.

ХИЗМАТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Денов тумани почта алоқа тармоғи ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан ибратли ишларга қўл уришмоқда.

Бугунги кунда тармоқда 28 та алоқа бўлимлари мавжуд бўлиб, уларда 125 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда.

Барча тармоқларда янги хизмат турларини жорий этиш учун шарт-шароитлар муҳайё этилган. Айниқса, электрон почта хизмати, интернетдан фойдаланиш пунктлари ва замонавий шаҳарлараро сўзлашув шахобчалари деновликларга қулайлик туғдирмоқда.

Инсон ўз дунёсини ўзи яратади. Ёниб яшаганни эса эл алқайди. Бошига кўтариб ардоқлайди. Одил Хидиров ана шундай инсонлардан. Мана 17 йилдирки, шу корхонага етакчилик қилади. У изланувчан ҳамда янгиликка ўта ўч. Қўл остидагилардан ҳам шуни талаб қилади. Қанақа янгилик бўлса, тезда жорий этишга киришади. Унинг саъй-ҳаракати билан почта таъмирланди. Янги жиҳозлар билан бойиди.

Почта хизмати турларининг кўпайиши ҳамда аҳил жамоанинг баракали меҳнати туфайли даромаднинг ҳам чўғи кўтарилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 10 ойида 115 миллион сўм даромад олинди. Унинг асосий қисми ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш ҳамда уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Насибахон Орипованинг таъкидлашича, алоқачиларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратилган. Жумладан, жорий йилда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 1 миллион 200 минг сўм миқдорда моддий ёрдам берилган. Дори-дармон учун эса 540 минг сўм маблағ ажратилган. Жамоада ишловчи ўнлаб ходимлар юртимизнинг турли санаторийларида соғлигини тиклашди. Уларнинг фарзандлари «Чашма» оромгоҳида дам олдирилди.

Маъмурият билан касаба уюшма ҳамкорлигида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Почта тизимида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган Комил Ҳасанов, Акром Турсунов, Людмила Сафарова, Ханифа Жабборова ва Хосият Алимардоновалар ўз касбининг моҳир мутахассислари сифатида ёшларга ўрнак. Камол Муродов республикада «Энг яхши хабарчи» кўрик танлови ғолиби бўлди.

Т. ЖАЛИЛОВ

Излаган имкон топади

ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, иш билан таъминлаш ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида туради. Тошкент шаҳрида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилаяпти.

Пойтахт туманларида 2005 йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида ўттиздан ортиқ «бўш иш ўринлари» ярмаркалари ўтказилди. Уларда 600 га яқин корхона, ташкилот ва муассаса вакант жойлари билан қатнашди.

Пойтахт туманларининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари томонидан шу кунгача ўтказилган меҳнат ярмаркаларида беш минг нафарга яқин фуқаро иштирок этди. Уларнинг икки минг нафарга яқинига ишга жойлашиш учун йўлланма берилган бўлса, бир қисми ўқув курсларига юборилди ёки зарур маслаҳат ва тавсиялар олди.

КОРХОНАНИ ТУГАТИШДАН КИМ МАНФААТДОР?

Бозор талаби қатъий. Бундай шароитда омилкор, ташаббускор, ўз касбининг чинакам устаси бўлганларгина муваффакиятли фаолият юрита олади. Шароитга мослаша олмаган, ҳамон эскичасига ишлаётган, кимларгадир умид боғлаётганлар эса синади, инкирозга юз тутади. Бироқ, «Ўзкишлоқэлектрокурилиш» очиқ акциядорлик жамияти бош директори Ш. Туробов шу йилнинг 19 декабрида имзолаган Шаҳрисабздаги 14-механизациялашган жамланмани Қарши шаҳридаги 9-механизациялашган жамланмага қўшиш ҳақидаги буйруғи ишчи-ходимларни, колаверса Қашқадарё вилоят, Шаҳрисабз туман ҳокимлигининг эътирозига сабаб бўлди.

Буйруқ матни билан танишайлик: «Ўзэлектроқурилиш» ОАЖ Қашқадарё вилоятида иккита механизациялашган жамланмага эга,— дейилади унда. — Шаҳрисабз шаҳрида 14-сон, Қаршида эса 9-сон механизациялашган жамланмалар электроқурилиш бўйича пудрат ишларини бажариб келяпти. Вилоятдаги буюртмачилари бўлган Шаҳрисабз ва Қарши магистрал электр тармоқлари, Шаҳрисабз электр тармоқлари корхоналари 2004 йилда тугатилди. Асосий буюртмачиларнинг тугатилиши натижасида 14-сон механизациялашган жамланмага энергия қурилиш ишлари кескин камайди. Кейинги вақтда ушбу жамоа бошқа вилоятлардаги жамланмаларимизга субпудратчи сифатида асқотяпти. Узоқ масофадаги объектларга бориб келиш оқибатида ёқилғи-мойлаш материалларининг кўп миқдорда сарфланиши объектларни қимматлаштириб, соф фойдани камайтиряпти. Боз устига машина-механизмлар, автотранспорт воситалари яроқсиз ҳолга келмоқда. Машина-механизмларни авайлаб асраш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини кескин камайтириш, энергоқурилиш объектларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқарув республика органларининг ходимлар сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга кўра Шаҳрисабздаги 14-сон механизациялашган жамланма Қарши шаҳридаги 9-сон механизациялашган жамланма билан 2005 йил 1 октябрдан эътиборан бирлаштирилсин».

Таҳририятимизга Шаҳрисабздаги қайд этилган жамланма аъзолари томонидан юборилган хатда эса келтирилган далиллар инкор қилиниб, қўшилаётган корхоналар фаолияти таққосланганда 14-жамланма олаётган фойда ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар, моддий-техника базаси 9-сон механизациялашган жамланмага нисбатан юқори даражада эканлиги алоҳида таъкидланади.

1991 йилда ташкил этилган корхона ўтган давр мобайнида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Халқ хўжалигининг йирик объектлари бўлмиш «Мискент — Учқудуқ», «Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон» темирйўллари, «Сариосиё — Узун — Оқмачит» ва бошқа қатор йирик объектларда, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан бажарилган ишларда фаол қатнашди.

Мана бу кўрсаткичларга ҳам эътибор қаратсак. 2005 йилнинг 9 ойи мобайнида 14-МЖда 415889 минг сўмлик, 9-МЖда эса 230898 минг сўмлик иш бажарилган. 14-жамланмада кейинги йилларда жамоа меҳнати билан кучли техника базаси яратилди. Узоқ йиллардан буён мазкур корхонада ишловчи О. Раҳимовнинг таъкидлашича, «Ўзқишлоқэлектроқурилиш» ОАЖ га қарашли бошқа 9 та механизациялашган жамланмаларда мавжуд бўлган 8 та янги русумдаги техникани улар корхона фойдаси ҳисобига сотиб олишган. Фидойи ишчилар Қ. Ражабалиев, Қ. Туробов, У. Гадоев, И. Шодиев, Л. Муродов, Ш. Эргашев ва бошқалар корхонанинг бирлаштириб юборилишини бошқарувдаги укувсизлик дея таъкидлашди. Бу «янгилик» оқибатида қанчадан-қанча иш ўринлари қисқартирилди.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, «Ўзқишлоқэлектроқурилиш» ОАЖ кузатув кенгашининг буйруққа асос бўлган қарорини Низом талабларига жавоб беради, деб бўлмайди. Чунки, Кузатув кенгаши бундай муҳим қарор қабул қилиш учун Конференция чақириши ва 4,5 фоиз акцияга эга бўлган 14-механизациялашган жамланма жамоаси фикрини ҳам эшитиши керак эди. Амалда эса бундай бўлмади. Мутасаддиларнинг фикрича, марказдан олисда, тоғли, табиий офатлар бот-бот бўлиб турадиган ҳудудда жойлашган корхона бугунги кунда Шаҳрисабзга сув билан ҳаводек зарур.


— ... Шаҳрисабз туманидаги 14-механизациялашган жамланма республикамиз мустақилликка эришган 1991 йилда ташкил топган бўлиб, шу вақтгача самарали фаолият кўрсатмоқда, — дейилади Қашқадарё вилоят ҳокими Н. Зайниев томонидан «Ўзбекэнерго» ДАК бошқарув раиси Э. Шоисматовга ёзилган хатда. — Жамоанинг фидокорона меҳнати туфайли халқ хўжалигининг муҳим ва йирик объектлари электрлаштирилди ҳамда кучли техника базаси яратилди... Юқоридагиларни ҳисобга олиб, 14-сонли механизациялашган жамланманинг мустақил корхона сифатида қолишига амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Кўриняптики, вилоят ва туман ҳокимларининг фикри жамоа фикри билан ҳамоҳанг. Кўп бора таъкидланаётганигидек, 400 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Шаҳрисабз туманида бугунги кунда ишлаб турган корхоналарни тугатиш эмас, балки янги корхоналар очиш ҳисобига иш ўринларини кўпайтириш ҳақида қайғуриш керак.

14-сон механизациялашган жамланма жамоаси бундан буён ҳам меҳнат унумдорлигини янада оширишга, янги-янги иш жойларини қидириб топишга, туман, вилоят ҳокимликлари эса жамоани ҳар томонлама қўллаб-қувватлажагини билдирмоқда. Савол туғилади, хўш, унда корхонани тугатишдан ким манфаатдор?

Ялғош САРИЕВ,
Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбирлари

Масала кўндаланг қўйилади





«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Саволингизга Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг бош мутахассиси Ў.Адилов жавоб беради

Савол: Ходим ишлаб чиқариш жараёнида (1999 йилда) маст ҳолда чўкиб вафот этган. Марҳумнинг оиласида хотини ва битта ўғли бўлган. Суднинг ажримига биноан боқувчисини йўқотганлиги туфайли уларга корхонамиз бир йўла тўланадиган товон пулини тўлаган. 2005 йилнинг июн ойигача марҳумнинг ўғлига олий ўқув юртини битиргунга қадар, 21 ёшга тўлгунгача, ойма-ой нафақа пули ҳам корхонамиз томонидан тўлаб келинди. Эндиликда марҳумнинг умр йўлдоши умрбод тўланадиган нафақа талаб қилмоқда. Шу тўғрими?

Г.БЕКБОЕВ,
Самарқанд аэрогеодезия корхонаси директори

Жавоб: Хатда баён этилишича, 1999 йилда ишлаб чиқариш жараёнида вафот этган ходимнинг хотини бахтсиз ҳодиса содир бўлган пайтда 53 ёшда бўлган ва нафақада бўлган.

Ҳақиқатан ҳам вафот этган ходимнинг хотинида ёшидан қатъи назар, бахтсиз ҳодиса содир бўлган пайтда меҳнатга қобилиятсиз бўлса ёки кейинги беш йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолса, боқувчиси вафот этганлиги натижасида зиён кўрганлиги учун зарар тўловини талаб қилиб олиш ҳуқуқи мавжуд.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1009 ва Меҳнат кодексининг 192-моддалари ҳамда 1999 йилда ҳаракатда бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари»нинг 23-бандида марҳумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз бўлган шахслар зарар тўловини олиш ҳуқуқига эгадирлар деб белгилаб қўйилган.

Шунинг учун ҳам марҳумнинг хотинида ўша пайтдаёқ (агар унда ТМЭК томонидан меҳнатга лаёқатсизлигини тасдиқловчи ҳужжати бор бўлган бўлса) боқувчисининг вафоти туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган.

Бундан ташқари, марҳумнинг хотини ФКнинг 1009-моддаси 5-хатбошида белгиланганидек, 55 ёшга тўлгандан кейин марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолганлиги учун ҳам зарар тўловини ундириш ҳуқуқига эга.

Термиз туманидаги 2-умумтаълим ўрта мактаби энг намунали илм масканларидан бири ҳисобланади. Кекса педагог Орол Пиримқулов раҳбарлик қилаётган бу мактабда айни дамда 701 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 38 нафар малакали ўқитувчилар жамоаси билим бермоқда. Шунингдек, мактабда 30 дан зиёд фан ва спорт тўгараклари фаолият олиб бормоқда. Ўқувчилар нафақат билим, балки тадбиркорлик сирларидан таълим-тарбия олишмоқда. 20 сотих ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланаётган мактаб жамоаси кўчат етиштириб сотишни йўлга қўйган.

Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳа.
И.ХЎЖАЕВ
(ЎзА) олган суратлар

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ, НАФАҚАЛАР

вақтида тўланиши нақд пул тушумига боғлиқ

Иш ҳақи, пенсия, нафақаларнинг вақтида тўланиши нақд пул тушумига боғлиқ эканлиги сир эмас. Шу боисдан солиқ тизими ходимлари мулкчилик шаклидан қатъи назар нақд пулга фаолият юритаётган хўжалик субъектлари томонидан савдо тушумининг тўлиқ инкассация қилиниши, назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш, нақд пулнинг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш устидан назоратни кучайтирмоқдалар.

Солиқ тўловчилар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ва назорат ишлари туфайли шаҳар бўйича нақд пул тушуми йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 164,1 фоизга ошди. Йил давомида ўтказилган назорат тартибидаги текширишларда 242 ҳолатда назорат-касса машинасини ўрнатмай савдо қилаётган тадбиркорлар фаолиятига чек қўйилди. Харидор билан ҳисоб-китоб вақтида НКМни ишлатмаган, нақд пул маблағларини яширган ва кирим ҳужжатлари бўлмаган товарларни савдога қўйган хўжалик субъектларига нисбатан 1113,5 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди. 132 ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Бундай нохуш ҳолатлар такрорланмаслиги учун тадбиркор ва ишбилармонлар ўртасида солиқ қонунчилигини кенг тарғиб этишга, Юртбошимиз Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга, содир этилаётган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини эслатишга алоҳида эътиборни қаратмоқдамиз. Шу муҳим ҳужжатлар асосида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллашмоқда, микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш рағбатлантирилмоқда, ҳисоботларни топширишда янги қоидаларга амал қилинмоқда. Бу янгиликларни хўжалик юритувчи субъектларга етказиш мақсадида барча туманларда кўргазмали семинар йиғилишлар ўтказилди, плакатлар ва қўлланмалар чоп этилди.

Қарор ва ижро

Бу солиқ қонунчилигини мустаҳкамлаш билан бирга нақд пул тушумларини кўпайтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Ўтган ойларда «Харидингиз учун чек олишни унутманг», «Харидингиз кафолати учун чек берилмадими — хабар беринг» деб номланган плакатлардан минглаб нусха тайёрланиб, шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган савдо корхоналарига тарқатилди ва улар назорат-касса машиналари ўрнатилган жойларга илиб қўйилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари бўйича ўзбек ва рус тилларида тайёрланган қўлланмалар эса назорат ишларини олиб борувчи солиқ хизмати ходимларига етказилди.

Бундан ташқари, кунлик тушумларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда банкга топширишнинг аҳволини ўрганиш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари бўйлаб салкам 48 минг марта хронометраж ўтказилди. Натижада кунига 3,7 миллион сўм миқдорида қўшимча тушумга эришилди.

Ходимларимиз ички бозоримизни сифатли ва қонуний товарлар билан тўлдириш устидан ҳам назоратни кучайтирмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида»ги ва «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари қандай бажарилаётганлигини ўрганиш давомида 60 та яширин цех фаолият кўрсатаётганлиги аниқланди.

З.ҲОШИМЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

Савол: Газли шаҳар «Газлитрансгаз» ишлаб чиқариш бошқармасида иккинчи гуруҳ ногирони бўлган бир ходим муҳандис бўлиб ишлайди. Бу ходим Тошкент шаҳрида турар жойи бўлиб, у ерда рўйхатда туради. Тошкент шаҳри ВТЭК томонидан унга ногиронлик ўрнатилган. II гуруҳ ногирони муҳандис бўлиб ишлаши мумкинми, агар бу ходим билан касаллиги туфайли бирор фалокат юз берса ким жавоб беради?

М.ХОДЖАЕВА,
Газли шаҳри, «Газлитрансгаз» Кадрлар бўлими ходими

Жавоб: Ходимга гуруҳ ногиронлиги рўйхатда турган жойидаги Тиббий меҳнат эксперти комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланади. ТМЭК ходимга II гуруҳ ногирони берилганда албатта «Меҳнатга қобилиятсиз» деган хулоса берилади. Бу хулосага асосан ходимни бажараётган ишига нолойиқ деб топиб бўлмайди ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-модда II қисмининг 2-бандига мувофиқ соғлиғи ҳолатига кўра уни бажараётган ишига нолойиқ деб топиб, меҳнат шартномасини касаба уюшма қўмитасининг розилигини олдиндан олган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ходим бу асосда вазифасидан озод қилинганда унга Меҳнат Кодексининг 102-моддаси асосида икки ҳафталик огоҳлантириш муддатига пуллик компенсация (чунки у соғлиғи туфайли ўз вазифасини бажаролмайди) ва Меҳнат Кодексининг 109-моддасига биноан эса бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Бу тўловларнинг барчаси буйруқда акс эттирилиши зарур.

Ходимни ТМЭКнинг «Меҳнатга қобилиятсиз» деган хулосаси асосида вазифасидан озод қилинган бўлса, бу ноқонуний ҳисобланади. Шунинг учун бундай ҳолатда ходим унинг аризасига мувофиқ меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан ўз вазифасига тикланади. Меҳнат Кодексининг 275-моддасига биноан мажбуран бекор юрган вақти учун ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади ва ходимнинг меҳнат дафтарчасига унинг ўз вазифасига тикланганлиги тўғрисида тегишли ёзувлар киритилади.

Қонунбузарчиликнинг олдини олиш ва ходимларнинг ноқонуний вазифасидан озод қилинишига йўл қўймаслик учун Меҳнат Кодексининг 9-моддасига мувофиқ бу масалада касаба уюшма қўмитаси доимо назорат олиб бориши зарур.

Энди бу ходимнинг Тошкент шаҳрида яшаб, рўйхатда турса ҳам Газли шаҳрида муҳандис бўлиб ишлашлигига келсак, бу ўринда паспорт режимига риоя қилинишлиги ва бу ҳақда Газли шаҳар ҳокимининг қарорига тўлиқ амал қилинмоғи зарур эди. Агар кўрсатилган ҳужжатларда фақат Газли шаҳрида рўйхатда турганлар ишга қабул қилиниши кўрсатилган бўлса, Тошкент шаҳрида рўйхатда бўлган ходимнинг ишга қабул қилинишида иш берувчи ва кадрлар бўлими ходими айбдор ҳисобланади. Бундай ҳолларда мазкур даврда ишлаш ман қилинади.

Тиббий хулоса иш берувчи ва ходим томонидан бажарилиши шарт. Шунинг учун тиббий хулосада ходим ўз вазифасида ишлаши мумкин эканлиги кўрсатилган бўлса, ходим ҳеч қандай тўсиқсиз ишини давом эттираверади. Агар ходим ўз вазифасини давом эттиролмаслиги хулосада кўрсатилса ёки унга айрим шароитлар яратиб берилиши лозимлиги ёзилган бўлса-ю, лекин иш берувчи томонидан бундай шароитларни яратиб беришнинг умуман имконияти бўлмаса, иш берувчи ўз ташаббуси билан ходимни Меҳнат Кодексининг 100-модда II қисмининг 2-банди билан бажараётган ишига соғлиғи ҳолатига кўра нолойиқ деб топиб, меҳнат шартномасини касаба уюшма қўмитасининг розилигини олдиндан олган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД

манбаига чек қўйилди

Мамлакатимиз қонунчилигида эркин иқтисодий ривожланишнинг мукаммал ҳуқуқий асоси яратилган. Шу боис кўплаб фуқароларимиз ўзидаги ишбилармонлик кобилиятини юзага чиқариб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишмоқда. Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим ҳолларда мўмай даромад кетидан қувган, нафси ҳакалак отган сохта тадбиркорлар ҳам йўқ эмас.

Бўлимимиз ходимлари бу борадаги камчиликларни бартараф этиш йўлида тинимсиз ҳаракат олиб боришмоқда. Хусусан, якунланаётган йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида жами 16 та жиноий, 49 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди. Текширишлар натижасида давлатга 522 миллион 468 минг 500 сўм моддий зарар етказилганлиги маълум бўлди. Катта миқдорда ноқонуний товар-пул айланмалари аниқланди. Хусусан, 5 миллион 450 минг сўмлик товар моддий бойликлари қинғир йўллар билан юртимизга олиб кирилаётганда қўлга туширилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, содир этилаётган жиноятлар асосан солиқ идораларига ҳисоботларни нотўғри тақдим этиш орқали олинган даромадни яшириш, ўзгалар мулкини ўзлаштириш ва нақд пулни банкка топширмасдан қонунга хилоф равишда айлантириш кўринишларида содир этилган. Жумладан, туман ДСИ ходимлари билан ҳамкорликда «Shavkat savdo» масъулияти чекланган жамият фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширув ўтказилганда, корхона раҳбарлари томонидан 2004 йил ва жорий йилнинг январ-феврал ойларидаги ҳақиқий товар айланмасини камайтириб кўрсатиш йўли билан жами 7 миллион 132,5 минг сўм мажбурий ажратмаларни қасддан камайтиришга уринилганлиги ҳамда 515 миллион 470,7 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари сотишдан тушган пуллар банкдаги ҳисоб рақамига киритилмаганлиги аниқланди. Натижада МЧЖ раҳбари Сергей Кишканов ва бош ҳисобчи Шуҳрат Камилов жиноий жавобгарликка тортилди.

Шундай ҳолатни «Gulbahor kapital» масъулияти чекланган жамият мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур жамият раҳбари Иброҳим Нурматов шу йилнинг август ойидан буён улгуржи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномасиз фаолият кўрсатган. Ўтган давр харидоргир маҳсулотлар савдосини амалга ошириб, 652 миллион 655,2 минг сўмни чўнтагига урган.

Президентимизнинг тадбиркорлар учун қатор имтиёз ҳамда енгилликларни кўзда тутувчи Фармон ва қарорлари иқтисодий ислоҳотларда катта ўзгаришларни бошлаб берди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамиятини уларга англатиш, хусусий мулкчиликнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилганлиги ҳақида тушунча ҳосил қилдириш борасида қизғин иш олиб бораяпмиз.

М.ҚОСИМОВ,
Янгийўл туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

АЖОЙИБ МАЖМУА

Андижон вилоятининг Дардак қўрғонида янги спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу спорт иншоотининг қурилишига республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 140 миллион сўмдан зиёд пул маблағи сарфланди. Қўрғондаги спорт иншоотининг бунёд этилишига тадбиркор ва фермерлар ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Қишлоқ ёшларини спорт кийимлари билан таъминлаш, жиҳозлар харид қилиш учун ҳокимият беш миллион сўм ажратди.

Ёпиқ спорт зали ва очиқ майдонда спортнинг йигирмата тури билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилди.

«Туркистон-пресс»

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи масъулияти чекланган жамияти



- *Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.*
- *Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.*
- *Автомобилларга божхона солиғи тўланган.*
- *Уларнинг сифати тўла кафолатланади.*



Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

Азиз юртдошлар!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»


Сизларни яқинлашиб келаётган 2006 йил билан қутлайди ва Сизларга миллий валютадаги жамғарма ҳамда муддатли омонатлар билан биргаликда чет эл валютаси «АҚШ ДОЛЛАРИДАГИ МУДДАТЛИ» омонатини ҳам таклиф этади!

Омонатни сақлаш муддатлари 3 ойдан 3 йилгача бўлиб, муддатига мутаносиб равишда йиллик 6 фоизгача даромад тўланади.

АҚШ долларида омонатга нақд пул қўясиз ва АҚШ долларида нақд фоизи билан оласиз!

Шу билан бирга эслатиб ўтамиз:

йиллик 34 фоиздан 37 фоизгача даромад тўланадиган **«Мўъжиза»**, **«Имконият»**, **«Орзу»**, **«Кафолат»**, **«Обод юрт»** каби муддатли омонатларга бўш пул маблағларини қабул қилиш давом этмоқда.



Янги йилингиз омадли келсин!
«Пахта Банк» – Фаровонлигингиз калитидир

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили

ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Орзиқиб қарши олинаётган Янги йил барчангизга омадли келсин. Она Ватанимиз — ҳур Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин!

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатингиз ҳамиша бароридан келсин!

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Ўзининг фидойи меҳнати билан жондан азиз Ватанимизни улуғлаётган инсонлар асло кам бўлмасин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ

Юртдошларимизни, барча тармоқ ходимларини қутлуғ қадамлар ила кириб келаётган «Хомийлар ва шифокорлар» йили билан қутлайди, муборакбод этади!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ

Янги 2006 йил тинчлик-хотиржамлик, қут-барака йили бўлсин, хонадонингиздан севинч ва тотувлик аримасин.

МАХСУС МАКТАБДА

Ибрат

«Кичик қўғирчоқ театри»

Мамлакатхон сахий, бағрикенг ва болапарвар оилада униб-ўсди, улғайди. Отаси Қодир бобо кулолчилик билан шуғулланар, бўш қолди дегунча қамишдан най, лойдан сурнай ва хуштак ясаб, болалар кўнглини хушнуд қиларди. Шунингдек, ковоқ ва турли сабзавот махсулотларидан ҳайвонлар қиёфасини акс эттириб, улар овозига тақлид ҳам қиларди. Маърифат ая кўпинча тикув-бичув ишлари билан машғул бўлганида қизи мато қолдиқлари ва кийимларидан қўғирчоқлар ясар, кийим-бош тикишни ўрганарди.



Болалик – беғубор фасл. Биз Жиззах шаҳридаги 6-сон «Ширин» махсус соғломлаштириш мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари даврасида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Айниқса, тарбиячи М.Эрматова раҳбарлик қилаётган «Семурғ» гуруҳида ўзгача руҳ, ўзгача муҳит яратилган. Тарбиячи ясаган «Севимли ўйинчоқлар» коллекцияси нуқсони бўлган болалар фикрини бир жойга жамлаб, равон тилда гапиришга интилишлари, қўл ва бармоқларини ҳаракатга келтиришларида асқотаяпти. Жумладан, «Туяқуш», «Тулки ва турна», «Қувноқ одамлар» каби кўплаб ҳаракатли ўйинлар кичкинтойларнинг жону дили. «Сичқон мушукдан қандай қутилди?», «Қайси ҳайвонлар қаерда яшашади?» каби мантиқий ўйинлар эса зеҳнли ва топқир бўлишга ундайди. «Хато қилма» математик ўйини уларга санаш ва ҳисоблашда ўз билимларини синаб кўришга кўмаклашади. Ҳозирга қадар тарбиячи ясаган қўғирчоқ ва ўйинчоқлар сони 300 дан ошиб кетди. Бу эса гуруҳда «Кичик қўғирчоқ театри» ташкил этишга асос бўлди.

– «Кичик қўғирчоқ театри»нинг тарбиявий аҳамияти катта, – дейди мактабгача таълим муассасаси мудираси Мўътабар Шамсиева. – Тарбиячи эртак қаҳрамонлари ҳақида сўзлаганида, болалар беихтиёр эртак персонажлари ролига кириб кетганларини билмай қоладилар.

Мана ўн тўрт йилдирки, ушбу муассасада тарбиячи бўлиб ишлаб келмоқда. Мурғак қалбларга ҳамнафас бўлиб, бутун меҳрини уларга қаратмоқда. Ҳамкасблари Ширин Ҳасанова ва Озода Аҳмедованинг кўмаги ва йўл-йўриқлари, қолаверса, Жиззах давлат олийгоҳининг бошланғич таълим методикаси факультетини имтиёзли диплом билан тугатганлиги қўл келмоқда.

Мамлакат Эрматова 1996 йилда «Севимли ўйинчоқлар» республика кўрик-танловида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Бу унинг ғайратига ғайрат қўшди. 2000 йил табиатни муҳофаза қилиш бўйича республикада ўтказилган «Аёл билан олам мунаввар» кўрик-танловида ҳам унинг меҳнати юксак қадрланди. Республика Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғини олди. 2001 йили «Шу азиз Ватан барчамизники» республика фестивалида таълимий ҳаракати ва мусиқий-миллий ўйинчоқлари билан иштирок этганлиги учун Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика Маданият ва Маърифат Кенгашининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди. Шу йили тарбиячининг «Болалар ақлий тафаккурини ўстирувчи таълимий ўйинлар» ҳамда «Болалар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш» номли қўлланмалари нашр қилинди. Орадан бир йил ўтгач, мактабгача таълим-тарбия муассасаларида нутқида нуқсони бор болалар учун яратган таълимий методик ва мусиқий ўйинчоқлари билан иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг қимматбаҳо совғалари ва биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Олий тоифали педагог, Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси М.Эрматованинг замонавий иш услуби бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва бир қатор вилоятлардаги мактабгача таълим муассасаларида қўлланиб келинмоқда. «Қалбингга қулоқ сол» телефильми ҳам яратилди. Уни кунчиқар мамлакатда ҳам яхши билишади. М.Эрматованинг иш услуби тўғрисидаги лойиҳаси Япония грантига лойиқ топилди.

Яқинда тажрибали тарбиячи Мамлакат Эрматовага ҳаётида қувончли ва унутилмас воқеа юз берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан у «Эл-юрт ҳурматли» ордени билан тақдирланди.

Абдулла САИДОВ

АБЖИР ЧАВАНДОЗЛАР

Мамлакатимизда миллий қадриятларимиз, азалий анъаналаримиз қатори чавондозликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Айни пайтда жойлардаги от спорти федерациялари самарали фаолият олиб бормоқда.

Қорақалпоғистоннинг Қораўзак туманида ҳам кейинги йилларда спортнинг мазкур турини оммалаштириш борасида муайян ишлар амалга ошириляпти. Ҳар йили бу ерда от спорти мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган. Бугал чавандозлар кўпкари /улоқ/, йўрға, от пойгаси шартлари бўйича беллашди. Унда қўшни Тахтакўпир тумани вакиллари ҳам иштирок этди.

Кўпкари беллашувида тўртта жамоа ўзаро куч синашди. Биринчи даврада Қораўзак туманидаги «Маданият» хўжалигининг абжир ва уддабурон чавандозлари биринчи ўринни олди. Иккинчи даврада «Қораўзак» фермер хўжаликлари бирлашмаси спортчилари ғолиб бўлди.

Узоқ масофага - 12 километрга от пойгасида «Маданият» хўжалигидан Жаббор Махсумнинг «кўк оти» биринчи бўлиб маррага етиб келди ва бош совринни қўлга киритди.

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Қарши шаҳрида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг жойлардаги бўлим ва бошқарма бошлиқлари, педагогика институтлари раҳбарлари, мазкур вазирлик ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоятлардаги филиаллари директорлари ўртасида стол тенниси бўйича «Маърифат» газетаси совринни учун мусобақа ташкил этилди.

Эллик нафардан зиёд спортчи иштирок этган беллашувларда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Самарқанд вилоят филиали директори Б.Бобомуродов бош совринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин - Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Мирзаевга, учинчи ўрин эса Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири Б.Султоновга насиб этди.

МУАЛЛИФЛАР УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Мамлакатимизда ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга жиддий эътибор билан қаралмоқда. Бундай дарслик ва қўлланмаларнинг юзага келиши ўзига хос мураккаб жараёнлардан иборатдир.

"Олий иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўқув адабиётлари яратиш: янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни" деб номланган ўқув қўлланмада янги нашрларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топди.

Иқтисодиёт ва бошқа билимларга бағишлаб ёзилаётган адабиётларнинг юзага келишининг муҳим жиҳатлари ҳам батафсил ёритилган. Янги қўлланма илмий изланишлар билан шуғулланаётганлар учун ҳам йўриқнома бўлиб хизмат қилади.

А.АЛИЕВ

Газетхон илтимосига кўра

Мазмунан бой, бадиий жиҳатдан етук, теран фалсафий рубоийлари билан машҳур бўлган Паҳлавон Маҳмуд 1247 йилда туғилган. Унинг отаси Кўҳна Урганчлик бўлиб, тирикчилик важидан Хивага кўчиб келаётганида йўлда хотинининг кўзи ёрийди. Боланинг отини Маҳмуд қўядилар. У Паҳлавон Маҳмуд, Пурёвалий номлари билан шуҳрат топган ҳассос шоир, енгилмас паҳлавон ва машҳур авлиё бўлиб етишади. Айниқса, унинг паҳлавонлик овозаси узоқ-узоқларга кетган эди. Эрон, Ҳиндистон каби кўплаб Шарқ мамлакатларидаги кураш мусобақаларида қатнашиб, ҳамиша зафар қучган, бир умр кураги ерга тегмай, мамлакатнинг биринчи полвони, паҳлавонлар пешвоси бўлган.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД РУБОИЙЛАРИ

Паҳлавон Маҳмуд халқимиз орасида асосан афсонавий паҳлавон, машҳур авлиё ва рубоийнавис шоир сифатида танилган.

Паҳлавон Маҳмуд 1326 йилда вафот этади. Шоир васиятига кўра шогирдлари уни ўзининг пўстиндўзлик дўконига дафн этганлар. Кейинчалик у қабр устига мақбара тикланиб, авлиё пойига қўнғирот уруғидан бўлган Хива хонлари кўмилган. Бу мақбара нодир меъморчилик ёдгорлиги сифатида мана неча асрдирки, барчанинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар бу буюк инсоннинг қабрини зиёрат қиладилар. Мақбара деворларига, пештоқларига шоир рубоийлари дарж этилган.

«Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин, - деб ёзади Шарқ адабиёти ва фалсафасининг билимдони Нажмиддин Комилов: биринчиси - замона аҳлидан нолиш, ижтимоий тенгсизликни ифодаловчи рубоийлар, иккинчиси-тариқат сулуки ҳақида ёзилган рубоийлар, учинчиси - ваҳдати вужуд фалсафаси асосларини тушунтирувчи рубоийлар ва тўртинчиси - илоҳий ишқни тараннум этган рубоийлар».

Замонадан шикоят, ижтимоий тенгсизликни ифодаловчи рубоийларида шоир буқаламун тақдирдан, адолатсиз ва золим амалдорлардан, риёкор шайху зоҳидлардан, зоҳири инсону ботини шайтон бўлган худобехабар, жоҳилу нодон кимсалардан нолийди. Шу ўринда, шоирнинг замонадан шикоят қилиб ёзган шеърлари унинг бошқа мавзудаги рубоийларидан кўра мазмунан теран, бадиий жиҳатдан пишиқ, ҳаётий ва кўнгилга яқинлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийнависликнинг пири муршиди Умар Ҳайём рубоийлари муқобилига қўйса, улар билан бемалол беллашадиган қатор мумтоз рубоийлари борки, уларда кажрафтор фалак, тубан дунё, адолатсиз замоннинг моҳияти ўзининг юксак бадиий ифодасини топган:

Туз йўқ бу жаҳонда шу кеча-кундузда,
На ер туби, на кўк тоқида-юлдузда.
Туз конлари тузга конлигидан тузсиз,
Оҳ, бу не замонки, туз йўқ ҳатто тузда?!

Нобоп замон учун бундан ортиқ айбнома бўлиши мумкинми?!

Паҳлавон Маҳмуд мўғуллар истилоси натижасида бутун Мовароуннаҳр хароб бўлган бир даврда яшаб ижод этди. Мўғул ҳукмдорлари ва уларнинг малайлари бўлмиш маҳаллий амалдорларнинг иккиёқлама жабру зулмидан дили вайрон бўлган халқ билан бирга бўлди. Шунинг учун ҳам шоир зорланиб ёзган эди:

Дунё ғамидан дийдани гирён кўрдим,
Ҳар ранжу бало борки, беармон кўрдим.
Кўрган эди бир тўфонни Нуҳ минг йилда,
Нуҳмасман-у, аммо неча тўфон кўрдим.

Маълумки, Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмлари орасида 950 йил яшаб, уларни ҳақ йўлига ҳидоят қилади. Лекин Оллоҳ пайғамбарининг даъватига қулоқ тутмаганлари учун улар охир-оқибат буюк тўфон балосига гирифтор бўладилар. Бу тўфон балосидан фақат Нуҳ пайғамбарга эргашганларгина омон қоладилар. Шоир шу воқеага ишора қилиб айтадики, Нуҳ минг йил яшаб, бор-йўғи бир тўфон кўрган бўлса, мен шу қисқагина умримда ҳам минг тўфон кўришга муяссар бўлдим. Бу билан шоир жуда оғир ҳаёт йўлини босиб ўтганлиги, ўзи яшаган даврнинг олағовурлиги, мўғул ҳукмдорларининг шафқатсизлигини айтмоқда. Замон, одамлар унинг қалбини тинимсиз яраладилар, шоир эса юрагининг оғриқларини шеърларига нақшлади:

Бир ёри вафодор киши йўқ оламда,
Дил маҳрами меҳрибон тополмай ғамда.
Инсон зотидан кутма вафо - асли азал,
Бўлмайди вафо расми бани одамда.

Маълумки, Паҳлавон Маҳмуд футувват аҳлининг пешвоси, Хивадаги жавонмардлар жамоасининг бошлиғи бўлган. Бу ҳаракат X асрдан бошлаб Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг қулоч ёзган эди. Жавонмардлар, ахийлар деб аталган бу тоифанинг мақсади яхшилик бўлиб, бутун умрини одамлар хизматига бағишлаш, ким бўлишидан қатъи назар барчага беғараз ёрдам қўлини чўзиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, Ватан, элу юрт, дўсту яқинлар шарафи учун жонини қурбон этиш, зоҳиран ва ботинан пок бўлиб юриш, фақат эзгулик деб яшаш - уларнинг ҳаёт тарзи ҳисобланган. Бошқача айтганда, жавонмардлик - дунёдаги барча яхши фазилатларни эгаллаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш демак. Шунинг учун ҳам «Қобуснома»да айтиладики: «. . .жавонмардликка яқин бўлгил, токи жаҳон аҳлининг яхшиси бўлғайсан».

Паҳлавон Маҳмуд тариқат сулукига бағишланган рубоийларида футувватнинг асосий ғоя ва қоидалари, мазкур таълимот билан боғлиқ турли тушунчалар баён қилинади, жавонмардликнинг асосий рукн ва талаблари бўлмиш-саховат, шижоат, яхшилик, тўғрилик, ҳалоллик, мардлик, қаноат, авф ва марҳамат, дўстлик, меҳр-мурувват, карам, ҳаё, сабр, олиҳиммат-лилик, раҳмдиллик, камтарлик, ҳокисорлик, тавозеъ, вафодорлик каби инсоний фазилатлар улуғланиб, ёмонлик, ёвузлик, нафси амморага мағлублик, тамаъгирлик, адолатсизлик, зулм, дўнманлик, қўрқоқлик, такаббурлик, риёкорлик, эътиқодсизлик, бевафолик, нодонлик, ёлғончилик, дилозорлик, ҳасадгўйлик сингари иллатлар мазаммат этилади.

Жавонмардлик - мазмун-моҳияти билан мардлар маслаги. Мард бўлмаган киши жавонмард бўлолмайди. Шунинг учун ҳам футувватда мардлик-жавонмардлик йўлига киришнинг асосий шартларидан бири. Паҳлавон Маҳмуд ижодида энг баланд пардаларда куйланган мавзулардан бири мардлик эканлиги бежиз эмас. Шоир мардликни турли нуқталардан туриб қаламга олади, унинг қатор қирраларини очиб беради. Паҳлавон Маҳмуд ва у мансуб бўлган гуруҳ нуқтаи назарига кўра:

Ўз нафсига ким бўлса амир, улдир-мард,
Ҳеч кимсага бўлмаса асир, улдир-мард.
Ўтмак сира мағлубни тепиб мардлик эмас,
Тутса қўлидан забунни эр, улдир-мард.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг хулосасига кўра, жавонмардликнинг бутун моҳияти икки сифат-саховат ва шижоатда мужассам. Дарҳақиқат, саховат ва шижоат одамни мардларнинг мардига айлантиради, бундай одамнинг жаҳдини ҳеч ким қайтаролмайди, у оламнинг подшоси бўлади.

Олам фили қайтаролмагай шиддатимиз,
Дунёни қилар саросима шавкатимиз.
Жой олса чумоли сафимиздан ногоҳ,
Бир лаҳзада шер айлар уни давлатимиз!

Бу ерда давлат деганда, молу дунё эмас, балки барча эзгу инсоний фазилатларнинг жамулжами кўзда тутилаяптики, ҳар бир ҳақиқий жавонмард бу маънавий бойликнинг соҳиби эди!

Мана бу рубоийда эса жавонмардларнинг мақсад-маслаги ўз ифодасини топган:

Шоҳлик тиласанг, гадоси бўл халқингнинг,
Ўзни унут-у, фидоси бўл халқингнинг.
Бошига кўтарсин, десанг, эл тож янглиғ,
Қўлин ўп-у, хокипоси бўл халқингнинг.

Шу ўринда, биз ўн йиллар мобайнида Паҳлавон Маҳмуднинг ахлоқий қарашларини ўзида акс эттирган панд-насиҳат руҳидаги рубоийлари сифатида баҳолаб келганларимиз аслида футувват рукн ва талабларининг шеърий ифодасидан иборат эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ёмонни(нг) сира ҳатлама остонасидан,
Еб тушма тузоғига тағин донасидан,
Ўқ ростлигидан билиб камонни эгри,
Кўр қочишини шитоб унинг хонасидан!

Дилни гувоҳлардан, қўлни ёмон ишлардан, кўзни нопок назардан сақлаш-футувватнинг асосий масалаларидан бўлиб, мана бу рубоий шу ҳақда:

Оҳ чексанг агарда йўлга тиккил кўзни,
Чоҳ ёнидан ўтсанг, эҳтиёт қил ўзни.
Дўстлар уйида қачонки маҳрам бўлсанг,
Одобини бузма дилу қўлу кўзни.

Паҳлавон Маҳмуд Шарқнинг барча буюк сўз усталари каби Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан таъсирланган, бу икки улуғ манбадан илҳомланиб қалам тебратгани унинг қудсий нафас уфуриб турган рубоийларидан шундоққина сезилиб туради. Айниқса, илоҳий ишқ тараннум этилган ва тасаввуф фалсафаси асосларини тушунтиришга бағишланган шеърларидан бу нарса яққол кўзга ташланади. Манбаларда шоирнинг умри охирида тариқат талабларини адо этиш учун кўп риёзат чекиб, жисмонан заифлашганлиги айтиладики, бу Паҳлавон Маҳмуднинг нафақат қалбан, балки расман ҳам сўфий бўлганлигини тасдиқлайди. Унинг бу ҳақда бир рубоийси ҳам бор:

Тутдик неча йил илм ила дафтар пайини,
Этдик неча йил зийнату зевар саъйини.
Қай кунки, тушундик даҳри дуннинг раъйини,
Кечдик баридан ичиб бу ринглик майини.

Маълум бўладики, Паҳлавон Маҳмуд шаклан гўзал, мазмунан теран рубоийларида асосан тариқат ғояларини куйлаган, футувват талабларини бадиий ифодалаган экан.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлар номзоди

Тошкент халқ хўжалиги институти томонидан Раҳимова Гавҳаржон Абдуллаевна номига 1980 йилда берилган ЖВ-I-155949 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Турфа олам

СУВНИНГ ТЎРТИНЧИ ҲОЛАТИ

Сув қандай ҳолатларда бўлади? Бу саволни мактаб ўқувчисига берсангиз, у сизга қатъий қилиб: сув фақат уч хил ҳолатда-суюқ, қаттиқ ва буғ ҳолатида бўлиши мумкин, дейди. Сувнинг тўртинчи ҳолати ҳам бўларкан! Тажрибалар москвалик олимлар томонидан олиб борилди. Улар одам сочи толасидан ўн марта ингичка қилиб ишланган найчанинг ичини буғ билан тўлдириб, сўнг найчани совитдилар. Шунда буғ сувга айланиб, сўнгра музлаши керак эди. Сув



худди ёғга ўхшаб ёпишқоқ бўлиб қолди. Олимлар бундан шундай хулосага келишди: демак ҳосил бўлган суюқликнинг молекулалари бир-бири билан одатдаги сувдагидан кўра анча маҳкам боғланган. Қарабсизки, сувнинг янги ҳолати пайдо бўлибди: у на муз, на сув ва на буғ.

Бу ғалати ҳодисани шифокорлар, биологлар, агрономлар текширишди ахир, ўсимликлар танасида ҳам, жонзод баданида ҳам сон-саноқсиз қилнайчалар, яъни қилдан ҳам ингичка найчалар бўлади.

Эҳтимол, улардаги суюқликлар ҳам тажрибада қўлланган шиша найчалардаги сувнинг ҳолатидир. У ҳолда таналарида рўй берадиган талайгина ҳаётий жараёнларни бошқача изоҳлашга тўғри келади.

Теннис

БАЛИҚ ОВИ ЁРДАМ БЕРАРМИКАН?



Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида 2 январда Янги йилнинг илк турнири старт олади. Кўриниб турибдики, унгача ҳали вақт етарли. Шунга қарамай, россиялик теннисчи Надежда Петрова ҳаммадан аввал Оклендга етиб келди.

23 ёшли спорт устасининг сўзларига қараганда, у икки минтақа ўртасидаги иқлим шароитини назарда тутиб шундай қилган. Қолаверса, Россиядан фарқли ўлароқ айни ёз фасли давом этаётган юртда дам олиш, ўзи яхши кўрган ва кейинги пайтда шуғулланмай қўйган балиқ ови билан ҳам машғул бўлиш ниятида.

Билмадик, турнирнинг биринчи рақамли иштирокчисига бу ёрдам берармикан, буни вақт кўрсатади.

БИРИНЧИ БЎЛИШ БАХТИ



Давид Налбандян Аргентинанинг йил спортчиси деб эътироф этилди. Унга Буэнос-Айресда ўтказилган тантанада «Golden Olimpia» совриni топширилди. Эслатиб ўтамиз, 23 ёшли теннисчи Шанхайда бўлиб ўтган «Masters Cup» турнирида финалгача етиб бориб, Роже Федererни мағлуб этди ва бош совриn соҳибига айланди. Бундай катта муваффақиятни кутмаган Налбалдян келгуси йили Дэвис кубогида ғолиб чиқиш иштиёқи пайдо бўлганлигини маълум қилди.

Silver Olimpia совриni эса «Барселона» клуби футболчиси Лионель Мессига топширилди.

АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛДИ

Аргентиналик теннисчи Мариано



Спорт оламида

Пуэрта допинг қабул қилганлиги учун ҳар қандай мусобақалардан четлаштирилди. Бу ҳақда Халқаро теннис федерацияси хабар тарқатди. Спортчи Франция очиқ чемпионатида финалда мағлуб бўлгач, унинг қонида этилефин воситаси мавжудлиги аниқланган эди. Бу яқинда яна ўз тасдиғини топди.



Кўр хассасини бир марта йўқотади, деган нақл Марианога таниш эмас шекилли. Ваҳоланки, у 2003 йилда ҳам Чилида ўтказилган турнирда ана шундай шармандали ҳолга тушиб қолган, ўшанда у 9 ойга ўйинлардан четлаштирилган эди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек аргентиналик теннисчи энди халқаро турнирларни тушида кўрадиган бўлди.

Футбол

АҚИДАГА АМАЛ ҚИЛИБ



Машҳур қўшиқчи Мадонна шундай дегувчи эди: вақт – пул, пул эса меники. Чамаси Дания чемпиони бўлмиш «Брондбю» клуби ҳимоячиси Аггер ҳам ана шу ақидага амал қилишни маъқул топган кўринади.

21 ёшли юлдузни ўз жамоасида кўришни истаётганлар оз эмас. Бултур унга «Ливерпуль» харидор бўлган эди. Лекин маблағ хусусида келишув бўлмаганлиги туфайли Аггернинг хориж сафари кейинга қолдирилганди. Бу йил жароҳати туфайли кўплаб учрашувларни ўтказиб юборган футболчи учун клуб раҳбарлари 5 миллион евро сўрашмоқда.

МАРТГАЧА КУТИШГА МАЖБУР



«Валенсия» клуби ва Аргентина терма жамоаси ҳимоячиси Роберто Айяла ўнг тиззасидан жароҳат олган эди. Яқинда у жарроҳлик аралашувини бошдан ўтказди. Шифокорларнинг айтишича, 32 ёшли футболчи яқини билан келгуси йилнинг мартида сафга қайтади.

Шахмат

УЧРАШУВГА КЕЧИКИБ КЕЛДИ




Шунақаси ҳам бўлиб туради. Россия 58-чемпионатининг учинчи турида ғалати воқеа юз берди. Александр Морозевич Дмитрий Томашевский билан бўладиган учрашувга бир соатдан зиёдроқ вақтга кечикиб келди. Ана шу нарса унга мағлубият ёзилишига сабаб бўлди.

Уч турдан сўнг 2,5 очкодан тўплаган Пётр Свидлер, Сергей Рублевский ва Вадим Звягинцев пешқадамлик қилишмоқда.

Бокс

СУД ҲУКМИ БЕКОР ҚИЛИНГАН БЎЛСА-ДА



Ўта оғир вазн тоифасида бир ярим йил муқаддам ўзига нисбатан қўлланилган дисквалификацияни Невада штати суди орқали бекор қилишга эришган Джо Меси ҳали-вери рингга қайтадиган кўринмайди. АҚШ боксёрлик комиссияси уюшмаси бошлиғи Тим Люкенхофф махсус баёнот билан чиқиб, мамлакат боксёрлик комиссиясига Месига лицензия бермасликни тавсия этди. У ўз фикрини изоҳлаб, Месининг рингга қайтиши аввалambор унинг ўз соғлиғи учун зарарлигини билдирди.

М.ИБРОҲИМОВ
тайёрлади

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7203 Буюртма Г— 216

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.